



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 208 (13.021)

Баҳоси эркин нарҳда



Иқтисодиёт

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Юртимизда спортга бўлган эътибор, уни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар натижасида Ватанимиз спортчилари жаҳон майдонларида юқори ўринларни қўлга киритмоқдалар. Кўплаб янги спорт иншоотлари барпо этилиб, замонавий анжомлар билан жиҳозланаётир.

Бундай муваффақиятларда спорт товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бугун мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ана шундай ишлаб чиқариш субъектлари томонидан импорт ўрини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланмоқда. Улардан бири Шайхонтоҳур туманидаги "Azia Sport-s" хусусий корхонаси.

1995 йилда ташкил этилган корхона дастлаб чет элдан спорт анжомлари ва кийим-кечакларини келтириб сотиш билан шуғулланган. 2008 йилдан бошлаб бу ерда Маҳаллийлаштириш дастурига асосан спорт анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аввалгига волейбол тўсиши, баскетбол шити, гимнастика тахтаси ва шунга ўхшаш саккиз хилдаги спорт анжомлари тайёрлана бошланди. Аста-секин корхона фаолияти кенгайиб, янги технологиялар келтирилиши натижасида ҳозирги кунга келиб маҳсулотлар тури 50 хилдан ошиб кетди. Шунингдек, корхонада буюртма асосида темир эшик, панжара, дарвоза каби 20

хилга яқин халқ хўжалиги моллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу корхона мамлакатимизда ташкил этиладиган турли танлов, кўргазма ва ярмаркаларда мунтазам иштирок этиб келади. Жумладан, "Azia Sport-s" Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2015" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритди.

25 нафар ишчи-хизматчи фаолият олиб бораётган корхонада иш ҳажмининг ошишига қараб мавсумий ишчилар ҳам жалб этилади. Ходимлар малакасини ошириш, ёш мутахассисларни қабул қилиш, уларга иш ўргатиш масаласи доимий эътиборда. Корхонада ҳар йили коллеж битирувчилари ўқув амалиётини ўтайдилар, уларнинг орасидан иқтидорлилари ишга қабул қилинади. Ёшларга эса тажрибали ходимлар ўз касбининг сир-синоатини мунтазам ўргатиб келмоқда.

Маҳсулотларимизни сифатли қилиб ишлаб чиқариш, уларнинг турини кўпайтириш, харидорларнинг хоҳиш-истакларига мос қилиб

яратиш борасида доимий изланишлар олиб бормоқдамиз, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Раҳим Адиллов. — Замонавий технология сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш таровидир. Шу боис биз ҳам техника ва асбоб-ускуналаримизни босқичма-босқич янгиланмоқдамиз. Бу борада давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга берилаётган имкониятлар, соҳани ривожлантиришга оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари кўплаб энгилликлар яратмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, божхона, солиқ, коммунал ва бошқа мажбурий тўловлардаги энгилликлар натижасида ички бозоримиз юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлмоқда.

Худди шундай "Azia Sport-s" хусусий корхонасининг маҳсулотлари ҳам бозорларимиз пештахталарини "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида спорт анжомлари билан бойитишга хизмат қилаётир. Корхона мутахассисларининг айтишича, ишлаб чиқаришдаги хомашённинг асосий қисмини ўзимизники ташкил этади, айрим деталларгина четдан келтирилади. Келажақда бу маҳсулотларнинг ҳам юртимизда тайёрланиши кўзда тутилган.

Абдулалом САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тошкентда Ўзбекистон ва Хитойнинг Шаньси провинцияси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Хитой халқаро савдо тараққиётига кўмак бериш кўмитаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Бизнес-форум ва кооперация биржаси мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда янги лойиҳаларни муҳокама қилиш учун қўлай имконият бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Назира Дадахонованинг таъкидлашича, бундай тадбирлар Ўзбекистон — Хитой иқтисодий ҳамкорлигини ташкил қиладиган улкан имкониятларнинг бир қисми, холос. Ҳамкорликдаги бизнес-форумлар ва турли тадбирлар икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу галги бизнес-форум ва кооперация биржасида машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат, кимё саноати, электротехника, муқобил энергия манбалари, замонавий технологиялар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган концерн ва компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

Шаньси провинцияси табиий бойликлар заҳираси ва замонавий саноатни ривожлантириш суръати бўйича Хитойда етакчи ўринни эгаллайди, — дейди Хитой халқаро савдо тараққиётига кўмак бериш кўмитасининг Шаньси провинциясидаги ваколатхонаси раиси ўринбосари Ву Фуцзи. — Бугунги тадбирларда ушбу ҳудуддаги элликдан ортқ компания вакиллари қатнашди. Улар Ўзбекистон корхоналари билан савдо муносабатларини ривожлантиришга катта қизиқиш билдирди.

Бизнес-форумда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва инвестициявий муҳит хусусида маълумотлар тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги "Ўзин-финанс" агентлиги, "Ўзфарманоат" концерни, "Ўзэлтехсаноат" компанияси ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг тақдимотлари бўлиб ўтди.

Тадбир якунида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор инвестициявий шартномалар имзоланди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда "Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда касба уюшмаси фаолияти" мавзусида минтақавий семинар ўтказилди. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси вакиллари иштирокидаги анжуманга Фарғона водийси вилоятларида фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналар касба уюшма кўмиталари раислари тақлиф этилди.

• Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейида "Гулла, азиз Самарқандим!" шиори остида гуллар байрами бўлиб ўтди. Самарқанд шаҳри кўни муносабати билан ташкил этилган тадбирда гулчилик хўжаликлари ва хаваскор гулчилар томонидан етиштирилаётган турли гул ва бутасимон ўсимликлар, гулдасталар намойиш этилди. Шаҳардаги таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг гуллар билан боғлиқ адабий-бадиий композициялари, фото ва ранг-тасвир асарлари кўргазмаси ўтказилди.

• "Камалак" юлдузлари" республика балалар ижодиёти фестивалининг Навоий вилояти босқичида 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 480 нафар иқтидорли ёш иштирок этди. Вилоят босқичида ёшлар мумтоз мусика, вокал, халқ чолғулари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, назм ва наср йўналишларида баҳслашди.

• Поп тумани марказида "Поп нон савдо" МЧЖнинг 2-филиали ишга тушди. Қувонарлиси, янги очилган дўконга 12 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилиниб, махсус кийимлар билан таъминланди. Бу дўкон ҳам 1-филиалдек 24 соат фаолият кўрсатиб, аҳоли учун зарур барча халқ истеъмоли моллари билан савдо қилади.

• Ургут туманидаги 119-умумтаълим мактабида "Юртининг посбон ўқувчилари" мавзусида тадбир ўтказилди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамда тумандаги ҳарбий қисм томонидан ташкил этилган кечада бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок эттишти.



• 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинларининг ташкилий кўмитаси ушбу нуфузли мусобақанинг очилиш ва ёпилиш тадбирлари харажатларини камайтиришни режалаштирмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг маълумотига кўра, ташкилотчилар мамлакатда юзага келган иқтисодий вазият туфайли шундай қарорга келишган.

• Вьетнамнинг энг йирик шахри — Хошиминдаги савдо дўконларида Хитойда ишлаб чиқарилган пластик ўйинчоқларнинг аксариятида саратон ва бепуштлиққа олиб келувчи, шунингдек, марказий асаб тизimini ишдан чиқариши мумкин бўлган токсинлар мавжудлиги аниқланди. Экспертларнинг хулосасига кўра, ўйинчоқларнинг айримларида зарарли моддалар белгиланганидан 400 баравардан ҳам ортиқни ташкил этмоқда.

• Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган Arihant номли сув ости кемаси очик денгиздаги синовлардан муваффақиятли ўтди. Эндиликда синовнинг иккинчи босқичи — кема бортидан Nibxau ракеталарининг учирлиши ҳам тез орада амалга оширилади.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор долзарб қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасида экспертлар, мутахассислар ҳамда манфаатдор идораларнинг вакиллари иштирокида "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши, муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Таъкидлаш лозим, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ишлаб чиқилган. Ушбу Фармонда акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратиш, шунингдек, стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш корпоратив бошқарув тизимини

янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси соҳадаги қонунчиликнинг тизимлигини таъминлаш, уларнинг нормалари ва ижро механизмларини бирхиллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг тўлақонли бўлишига хизмат қилади.

Лойиҳага кўра, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

— Ҳозир дунёнинг ривожланган мамлакатлари акциядорлик жамиятлари замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш эвазига юқори

иқтисодий натижаларга эришиб келмоқда, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси А.Умиров. — Мамлакатимизнинг бугунги кундаги иқтисодий салоҳияти, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг изчиллиги бу борадаги муносабатларнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу маънода қонун лойиҳаси тизимни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини самарали шакллантириш ва фаол жорий этиш бўйича талабларни аниқ белгилаб беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўпгина корхоналар, жумладан, хорижий муассислар иштирокидаги кўшма корхоналар ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиб, бошқарувда илғор усуллари жорий қилмоқда.

Шу боис, қонун лойиҳасида эндиликда акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш бўйича ўтказиладиган танловда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган норма кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар тўлаши зарур бўлган солиқлардан бири мол-мулк ва ер солиғидир. Бу турдаги солиқлар календарь йил учун ҳар йили ҳисобланиб, 15 октябрга қадар тўланиши шарт.

– Мол-мулк ва ер солиғи маҳаллий бюджет даромадларини тўлдиришга хизмат қилади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Равшан Насимов. – Бу маблағлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ободонлаштириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш каби хайрли мақсадларга сарфланади.

Мол-мулк солиғи объектига кўчмас мулк – уй-жой, квартира, дала ҳовли, гараж ва бошқа иморатлар, иншоотлар қиради. Ер солиғи объектига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратилган ер участкалари қиради. Кўп квартиралы уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди. Фақат бу каби ер участкалари тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган бўлса, унга солиқ солинади.

Маълумки, солиқ ставкалари ҳар йили қайта қўриб чиқилади. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида”ги Қарорига биноан 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи 1,10, ер солиғи 1,15 барабар индексация қилинди.

Бу турдаги солиқларни ҳисоблашда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тақдим этадиган маълумотларга асосланилади. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мол-мулк

ва ер солиқлари суммаси, тўлаш муддати кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга ҳар йили 1 майдан кечиктирилмасдан топширилади.

Мол-мулк ва ер солиғи тўлаш борасида имтиёзлар ҳам мавжуд. Солиқ кодексига мувофиқ ўн ва ундан ортиқ болалари бор аёллар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсионерлар қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида мол-мулк солиғидан имтиёз-

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИНИ ТЎЛАШНИ УНУТМАНГ

Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 51-модда.

га эга. Бу ўлчам 60 квадрат метр майдонни ташкил этиб, фуқаронинг эгалигидаги уй-жой ҳажми ундан ошганда у шу қисм учун белгиланган ставкада солиқ тўлайди.

2014 йил 4 декабрда қабул қилинган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг солиқ тўлаш тартиби бирмунча ўзгартирилди. Тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкалари, шунингдек, фуқаролар томонидан турар жой фонди объектлари

нотурар жой фонди тоифасига ўтказилганда ёки нотурар жой фонди объектлари мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади. Бу 2015 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли химоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан Солиқ кодексига ўз ифодасини топди.

Мол-мулк ва ер солиғини ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар тўлаш мажбурийдир. Уни ўз вақтида амалга оширмаган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланган. Солиқ кодекси талабларига мувофиқ тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Фуқаро солиқ органи томонидан солиқ қарзини ўзиш тўғрисида талабнома берилгандан кейин ўн кун ичида қарзини узмас, мажбурий ундирув чораларини кўриш бўйича судга даъво ариза киритилади.

Ер кодексига асосан ер солиғини мунтазам равишда тўламай келаётган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик ҳуқуқини бекор қилиш чоралари қўлланилиши ҳам мумкин.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Ўзбекистонда халқимиз саломатлиги, шу жумладан, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Янги қонун кучга кирди

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ БАЗА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Давлат санитария назорати тўғрисида” 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Қонуни ижроси юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс санитария-гигиена ва эпидемиология қарши тадбирлар ўтказилиши натижасида ўтган йиллар давомида мамлакатимизда санитар-эпидемиологик осойишталик таъминланди. Карантинли ва алоҳида хавфли инфекцияларнинг четдан кириб келишининг олдини олиш чоралари қўрилиб, бошқариладиган инфекцияларга қарши эмлаш билан қамраб олиш 99,5 фоизни ташкил этган.

Халқаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг жадаллиги ҳамда атроф-муҳитнинг ўзгариши билан таъсирланган глобал ўзгариш шароитларида ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришни талаб қилади.

Хозирги босқичда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги фақатгина давлат ҳокимияти органлари эмас, балки фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоат томонидан ҳам таъминланиши зарур.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам бу йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга йўналтирилган қонунларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 26 август куни қабул қилинган “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқишда давлат санитария назорати тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳолати ва уни қўллаш амалиёти, мавжуд муаммолар ўрганиб чиқилган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари, АҚШ, Буюк Британия, Франция каби ривожланган мамлакатларнинг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси ҳисобга олинган.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги 1992 йил 3 июлдаги Қонуни ўз кучини йўқотди.

Мазкур қонун 6 боб ва 42 та моддадан иборат. Унинг асосий мақсади — аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шу боис, қонунда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Қонунда техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга ер участкасини танлаш, объектларни режалаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қорхоналарни техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш, кимёвий ва биологик моддаларни утилизация қилиш ва зарарсизлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари, уларни ишлаб чиқариш, ташиш, меҳнат шaroитлари, касалликнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган.

Қонунда турар жойларга қўчиб киришга ва улардан фойдаланишга доир талаблар бўлиб, унга қўра давлат ташкилотлари ва бошқа мулкдорлар томонидан берилаётган турар жойлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши керак.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб бермайдиган турар жойларда фуқароларнинг яшашига йўл қўйилмайди.

Яшовчиларнинг ҳовли, уй атрофи ҳудудларини сақлаш ва турар жойлардан фойдаланишнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган қоидаларини бажаришлари шартлиги қайд этилган.

Ўқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш мақсадида бир қатор касб ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ходимлари ишга кириш пайтида дастлабки мажбурий тиббий кўрикдан ҳамда кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб бориши зарурлиги кўрсатилган.

Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш, уларнинг гигиена, соғлом турмуш тарзига, соғлиқни сақлашга доир билимлар, кўникмалар ҳамда малакаларни эгаллашга қаратилган ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади. Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш белгиланган тартибда ўтказилади, фаолияти озиқ-овқат хомашёсини, озиқ-овқат маҳсулотларини ва ичимлик сувини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш, болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш, аҳолига коммунал ва маънавий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишчи-ҳодимларга ишлашга рухсат бериш олдида, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш пайтида ўтказилади.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг фаолиятига аראлашиш, уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш тақиқланганлиги белгиланган.

Янги Қонуннинг қабул қилиниши, республикамизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашни ҳуқуқий тартибга солишнинг комплекс тизимини мустаҳкамлашга қўмаклашди ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан амалий назорат қилиш имконини беради.

Жаҳонгир МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи шаҳар ишчи гуруҳи иштирокида қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг еттинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, жумладан “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси ҳамда 2015 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси томонидан ўрганилган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг 2015 йилнинг ўтган давридаги фаолияти, жумладан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижроси атрофида қўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги “Республикамиз иқтисодиёти тармоқларини 2015/2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсадида маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Шунингдек, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси ҳамда 2015 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Учтепа, Яшнобод ва Чилонзор туманлари ҳокимликларининг ҳисоботлари муҳофиза қилинди.

Йиғилиш кун тартиби бўйича Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ер ажратиш ва ажратилган ер бўлақларини бекор қилиш тўғрисида қабул қилган қарорларини тасдиқлаш ҳамда комиссиялар ваколатига кирувчи бошқа масалалар қўриб чиқилди.

Қўрилган барча масалалар бўйича доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, мазкур лойиҳада бундан буён акциядорлик жамиятлари бошқарув ҳодимлари сифатида четдан жалб қилинган хорижий мутахассисларга ва улар сармоя киритган акциядорлик жамиятлари улар тегишли имтиёзлар, енгилликлар яратиш ҳамда бу орқали хорижий мутахассиснинг шу фаолиятдан олган даромадларига даромад солиғи солинмаслиги ва жамиятларга жалб қилинган чет эллик мутахассиснинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмаслигини кўзда тутувчи нормалар ўрин олмақда.

Муҳокамалар чоғида акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари бўйича миллий ва илғор хорижий тажриба қийсий таҳлил этилмоқда. Хусусан, Германия, Франция, Австрия каби давлатларнинг муваффақиятли тажрибалари ўрганилмоқда.

– Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнига соҳа мутахассислари, экспертлар жалб этилаётгани муҳокамаларнинг конструктивлигини таъминлаш билан бир қаторда қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи Т.Набиев. – Мазкур қонуннинг қабул қилиниши корпоратив бошқаруving замонавий услубларини, хусусан, ишлаб чиқариш менежменти, фаолиятнинг сармоядорлар учун шаффофлигини ошириш каби усулларни жорий этиш орқали акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини кучайтиришига, уларнинг халқаро мезонларга мос равишда фаолият юритишига имкон яратди.

Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтаётган муҳокамалар жараёнида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, амалиётчи ҳуқуқшунослар, экспертлар ва соҳа мутахассислари қонун лойиҳасини тўла қўллаб-қувватлаш билан бирга, уни янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати



Асрий анъаналаримизни ўзида мужассам этган ҳунармандчилик маҳсулотлари

Анжуманлар

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан “Юксак ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамияти” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси, Марказий банк, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Бугунги кунда юртимизда саккиз мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси энг йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ташкилот 14 та ҳудудий бирлашма, 193 та туман (шаҳар) жамиятларидан иборат бўлиб, маҳаллалар, қорхона, ташкилотлар ҳамда муассасаларда таънч гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда.

Федерациянинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларининг химоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозориде сифати паст, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишдан иборатдир.

– Жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан 2015-2016 йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар режаси асосида истеъмолчилар ҳуқуқлари химоя қилинишининг таъсирчан механизмларини яратиш, яқин ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш асо-

сий вазифа қилиб белгилаб олинган, – дейди федерациянинг матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова. – Истеъмолчилар ўртасида амалдаги қонун ҳужжатларининг кенг тарғиботи юзасидан федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари, туман (шаҳар) жамиятлари томонидан 850 та ўқув семинарлари, 2488 та давра сўхбати, 779 та радиоэшиттириш, телевидение орқали 476 та кўрсатув, матбуот саҳифаларида 909 та мақолалар берилди. Унга қўра жойларда савдо, коммунал, почта-алоқа хизматлари, жамоат транспорти ва бошқа хизмат турлари бўйича муаммолар ўрганилиб, маълумотларнинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда халқ қилинишига эришилмоқда.

Анжуман давомида федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда туман (шаҳар) жамиятларига истеъмолчилардан жами 5460 та (3867 та ёзма, 1593 та оғзаки, ишонч телефонли ва электрон (онлайн) ариза (таклиф ва шикоят)лар келиб тушгани, мазкур ариза ва шикоятларнинг 4988 таси ижобий ҳал этилиши натижасида жами 1 миллиард 735 миллион 901,0 минг сўм маблағ истеъмолчилар фойдасига ҳал қилиб берилгани айтиб ўтилди. Ахборот коммуникация технологиялари жадаллик билан кириб бораётган бугунги кунда федерацияда ҳам бу йўналишдаги ишлар замон талаблари даражасида ташкил этиб келинмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерациясининг янгиланган www.potreb.uz, www.istemol.uz веб-сайти фаолияти қайта такомиллаштирилди. Федерация тизимида 1091 “Ишонч телефони” хизматининг ташкил этилгани аҳолига яратилган яна бир қулайлик бўлди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг шаҳар bosқичи ўтказилди.

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Танловда туман bosқичларида голиб бўлган тарғиботчилар шартлардан келиб чиққан ҳолда, қадимий ва ғўзал диёримизнинг жаҳон цивилизацияси бешиги бўлганини эътироф этишди, муқаддас заминимиздан етишиб чиққан буюк алломалар фаолияти ҳақида кенг тушуна беришди.

Шу билан бирга улар юртимиз тарихи, маънавий мероси, маданияти, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўлғалар бoй ҳаётий тажрибалари, диний ахлоқий, илмий, адабий қарашлари, халқимизнинг бағрикенглик, олижаноблик фазилатларини ифода этган ижодий ишлари, нутқий маҳоратлари ва тафаккурларини тўлиқ намоён этишди.

— “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловини ўтказишдан мақсад маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдиэлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш таъминоти ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб боришдир, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Фурқат Махмудхўжаев, — Жумладан, аҳолининг кенг қатламлари ва ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий урф-одатларимизнинг ҳаётиямиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга қаратилган. Давлатимиз сиёсатининг ўс-тувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларимизнинг мазмун-моҳиятини атрофдаги шарҳлаш ва тушуштириш танловнинг асосий вазифаси эди белгиланган. Шунингдек, инсонларни оғоҳликка қўриш, олимлар, турли соҳа мутахассислари иш-тироқида жойларда тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш, ёш авлод оғи ва қалбига миллий гурур ва қомил инсон тарбияси билан боғлиқ тушунарли сингдирди, аждодларимизнинг бу борадаги ме-

росини бугунги тараққиёт талаблари билан ўзвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида ташкил этиш орқали халқ онгида Ватанга меҳр-муҳаббат руҳини шакллантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот жараёни замирида кишиларни маънавий таъовулардан асраш, уларни ҳушёрликка қўриш, мавжуд ҳаёт ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, ёшларимиз онгида эзгу ғояларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли ишлар муҳассам.

Мазкур танлов миллий қадриятларимиз, диний қарашларимиз ва ҳаётий удуларимиз ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этилишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб боришда ўз самарасини беради.

Бинобарин, фарзандларимиз қалбида соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш бўйича самарали ишларни йўлга қўйиш маънавиятчиларнинг асосий вазифасидир.

Танлов якунларига кўра, Тошкент Ислон университетининг матбуот ва жамоатчилик билан алоқалар хизмати менежери Саидабзал Саиджоллов биринчи ўринга сазовор бўлди ва “Йилнинг энг фаол тарғиботчиси” кўрик-танловининг Республика босқичига йўлланма олди.

Иккинчи ўринга Тошкент Давлат юридик университетининг давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси доценти Феруза Мухиддинова, учинчи ўринга эса 8-умумтаълим мактабининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Дилафруз Эргашевалар олийқ деб топилди.

Тадбир сўнгиде иштирокчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Маълумки, бугунги кунда обод диёримизда маданият, маънавият ва маърифатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиняпти.

Жумладан, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 28 июндаги 521-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Юнусобод туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази замон талабларига мос равишда таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Кўни кеча ушбу маданият масканининг очи-лиш маросими бўлиб ўтди. Юнусобод туман маданият ва аҳоли дам олиш марказига кириб борар эканмиз, кириш қисми ободонлаштирилиб, турфа гуллар экилгани ва қарнай-сурнай садоларининг меҳмонларни қорлаётганига гувоҳ бўлдик.

— Ана шундай мухташам ва кўркем мажмуани бунёд этган барча мутасадди ташкилот ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига миннатдорчилик билдираман, — дейди Юнусобод туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Фахриддин Ҳақимов. — Албатта, Суннат Абдусалимов, Шаҳодат

Зайтова, Камолитдин Жуманиезов, Отабек Насриддинов, Умид Алимов, Вадим Ворошилов, Павел Осипов, Зиедудла Хайитов, Марат Нигматжонов каби ҳодимларимиз келгусида ёшларимизнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, маънавиятларини ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

Тадбир давомида “Бек” доирачилар гуруҳи, “Кизалоқ” рақс гуруҳи, “Сайёра” эстрада гуруҳининг мусикий раҳбари Отабек Насриддинов, “Нихол” мукофоти совриндори Мадина Мусаева, “Шанс” спорт рақс гуруҳлари ўз чиқишлари билан йилгиланларни хушнуд этдилар. “Замин” эстрада гуруҳининг хонандаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Санжарбек Юсупов айтган қўшиқлар эса атоқли ҳофиз Комилжон Отаиевнинг услубини эслатди.

Тадбир сўнгиде Александр Скрипин бадий раҳбарлик қилаётган ва ҳозирда кексалик гаштини сўраётган отахон оналхонлардан ташкил топган “Мелодия” халқ хори жонли ижронинг нечоғли жозибадор эканлигини тадбир қатнашчиларига яна бир бор намоён этди.

Бахтиёр ЖўРАЕВ
Козим Ўлмасов олган сурат

Фестиваллар

“КАМАЛАК” ЮЛДУЗЛАРИ

Юртимизда 2013 йилдан буён “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ҳаракат қошидаги “Камалак” республика болалар ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда “Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивали ташкил этиб келинмоқда.

Юнусобод туманидаги 13-сонли мусиқа ва санъат мактабида ҳам “Камалак” юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи кўтаринки кайфиятда ўтди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўли-

ми ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган тадбирда туманда истиқомат қилувчи ўғил-қизларнинг иқтидорлари намоён бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбир давомида тумандаги мусиқа ва санъат мактаби, умумтаълим мактаблари, “Баркамол авлод” болалар марказининг иқтидорли ва истеъ-

додли ўғил-қизлари классика, вокал, халқ чолғулари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, назм ва наср йўналишларида ўз маҳоратларини намоён этишди. Таъкидлаш жоизки, мазкур фестивалнинг ўтказилиши мамлакатимизда иқтидорли ўғил-қизларнинг муносиб қўллаб-қувватланишига замин яратмоқда.

— “Камалак” юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалида иштирок этиб, қўллаб-қувватлар ортирдим, —

— Ўтган йили ўтказилган фестивалда назм йўналишида қатнашганман, — дейди 265-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Лобар Озодова. — Бу йил заргарлик, бисер ва мунчоқдан ясаган буюмларим билан иштирок этдим. Бирон-бир хунарни мукамал эгаллаш учун сабрли бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқиб-ўрганиш орқали қўллаб-қувватларга эришиш мумкинлигини англаб етдим. “Билмилар беллашуви”да қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдаман.

— “Камалак” юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалида иштирок этиб, қўллаб-қувватлар ортирдим, —

дейди 17-ихтисослаштирилган мактабининг 6-синф ўқувчиси Умида Муродхонова. — Ўтган йили мазкур фестивалнинг шаҳар босқичида қатнашиб, сертификатни қўлга киритгандим. Ҳозирда 1-сонли мусиқа ва санъат мактабининг халқ чолғулари йўналишида таҳсил оляман. Ўстозим Фотима опанинг кўрсатаётган йўл-йўриқ ва масалаҳатлари билан санъатнинг сир-асрорларини мукамал ўрганиб келмоқдаман. Рақс ва қўшиқ айтишга ҳам қизиқишим кучли. Инглиз тилини мукамал ўрганишга киришганман. Айни кунларда М.Қориевнинг номидеги республика танловига тайёргарлик кўрмоқдаман.

Барча йўналишлар бўйича энг истеъдодли ва иқтидорли ўқувчилар фестивалнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Зарина РУСТАМОВА

Одам савдоси жамият тараққиётига ғов бўлувчи муҳим иллатдир. Унинг исканжасига тушганлар ҳар қандай разолат ҳамда қабихликдан қайтмайди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда ушбу иллатга қарши кураш бўйича қатор маънавий-маърифий тадбирлар умумтаълим мактаблари, касб-хўналар коллежлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Яккасарой туман ҳокимлигида, Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-хўна коллежиде ташкил этилган тадбирлар ҳам одам савдоси ва гиёҳвандликдек зарарли иллатларнинг салбий оқибатларига бағишланди. Унда одам савдосининг инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, қул бўлишга маҳкум этувчи, баъзи ҳолатларда одамларнинг умрига зомин бўлувчи, уларнинг эрки, тақдир ва келажагига болта урувчи энг оғир жиноятлардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Албатта, “алданиб қолибди” деган жумлани эшитган ҳар қандай одам сергак тортиши аниқ. Баъзилар “Ҳа, энди алданган бўлса менга нима”, дейишса, бошқалар “Аттанг, яхши иш бўлмабди”, дейишади. Яна бошқа тоифадагилар ҳам борки, улар ўз ҳаётлари давомида у ёки бу масалада алданиб қолишган, ана шундай одам ва қуруқ ваъдаларнинг қурбонига айланишган. Оқиб-ни айтиш керак, тақдирларининг шундай бўлишига авваламбор уларнинг ўзлари айбдор. Бундайларнинг дилини доимо бир савол хира қилади: “Нега ишондим?!” Нега ширин ваъдаларга ўчидим?!”

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида уюшган жиноятчилик, халқаро терроризм, нарқобиз-нес каби атамалар қаторида кўпроқ, “одам савдоси”

дея аталмиш ибора ҳам тез-тез кўзга ташланмоқда.

Одам савдоси замонавий тус олиб, жиноий фаолиятнинг сердаромад соҳаларидан бирига айланмоқда ва ноқонуний қурул ҳамда гиёҳвандлик воситаларини сотиш каби жиноят турлари билан рақобатлашмоқда. Охириги маълумотларга қараганда, жаҳонда одам сав-

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҒОВ ИЛЛАТ

доси билан боғлиқ йўналишларда бир неча ўн миллиард доллар айланмоқда. Миллионлаб одамларнинг ҳаётини чилларчин қилаётган бундай трансмиллий жиноятлар кейинги йилларда ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятини ҳам таҳликага солмоқда. Бугунги кунда дунёдаги деярли барча мамлакатлар одам савдосининг турли кўринишларидан қайсибир даражада жабр кўрмоқда. Бу эса, ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини қўчайтириш, ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишни ва қучларни бирлашти-

риш лозимлигини тақозо этмоқда. Соддароқ қилиб айтишдан бўлса, сайёрамизнинг қайси бир нуқталарида пайдо бўлиб, эндиликда газак олган иллат инсониятнинг оғриқли муаммосига айланди. Шу сабабли, ҳар бир давлат бу ҳавфдан ҳимояланишининг қатъий чораларини қўриши, шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиёсий зарурат даражасига кўтарилди. Одам савдосига қарши курашиш, инсонларнинг меҳнатидан мажбурий тарзда чет элларда фойдаланишининг олдини олиш ҳамда бу жирканч иллатни тағ-томири билан йўқ қилиш мақсадида юртимизда 2008 йил 17 апрелда “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда “Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган. Шунинча алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур турдаги жиноятлар учун жазо чораларини кескин қўчайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ёшларимизнинг маънавий онгини юксалтириш, ёт ғоялар ва зарарли иллатлар таъсирига берилиб қолмасликлари таъминлаш мақсадида шундай долзарб мавзудаги тадбирлар кенг миқёсда ўтказиб келинмоқда. Келажақ авлод орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни билимли, касб-хўналарли қилиб воёга етказиш, зарарли иллатлар ва оқимлардан асраб қолиш ҳар биримизнинг энг бирламчи вазифамиздир.

Муҳиба МИРСАЙДОВА,
Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар кўмитаси раиси

Қарор ва ижро

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида инсон саломатлигини асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган доимий эътибор халқимизнинг узоқ умр кўриш кўрсаткичини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни изчил давом эттиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг овқатланиш гигиенаси бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Анатолий ХУДОЙБЕРГАНОВ билан ЎЗА муҳбирининг суҳбати тўғри овқатланишнинг инсон саломатлигида тутган ўрни, бу борадаги миллий қадриятлар ва замонавий таъминотлар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида бўлди.

— Тўғри овқатланиш узоқ умр кечиришнинг муҳим омилдир. Буюк аждодларимиз бу хусусда қўллаб-қимлати маълумотлар қолдирган. Тибб илмининг сўлтони Абу Али ибн Сино таълимотида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Улуғ алломанинг асарларида қайд этилишича, тансиҳатликнинг асосий тадбири парҳездир.

Бугунги кунда буюк аждодимиз ўғитларининг аҳамияти тобора ортиб бораётир. Кам ҳаракат, меъёридан ортиқ таом истеъмол қилиш, пала-партиш овқатланиш қўллаб-қимлатиш, тиббий-профилактика хизматини қўллаб-қимлатиш, тиббий-профилактика хизматини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Озиқ-овқат сановати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазатини сақлаш, халқимизни юртимизда етиштирилган экологик соф, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

— **Рационал овқатланиш билан боғлиқ миллий қадриятларимиз ва замонавий таъминотлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Ўзбек оиласида барчанинг дастурхон атрофида жамулжам бўлиб овқатланиши бебаҳо қадрият даражасига кўтарилган. Таомга аввало ёши улуг инсонлар қўл уза-тади. Бу жараёнда ёшларимиз катталардан меъёрида таом истеъмол қилиш, нафсини тийиш билан боғлиқ маънавий ва тиббий тарбия олади. Оилаларда таом тайёрлашда хонандон бекалари нурунийларнинг тажрибасини ўрганиш, тоза-озодалиқни сақлаш, овқатни меъёрида пишириш, ҳар кун ҳилма-хил овқатлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади.

Бугунги тиббиётда бу борадаги миллий қадриятларимиз алоҳида эътиборга олинган қувончлардир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қабул қилинган соғлом овқатланишнинг ўн икки тамойили ичиде ушбу жиҳатлар ўз ифодасини топган. Озиқ-овқатлар ҳилма-хиллиги, овқатланишда меъёри сақлаш каби жиҳатлар дунёда кенг тарғиб этилмоқда.

Ёр ва тузни кам истеъмол қилиш тавсия этилади. Чойни иложи боришча таом билан бирга истеъмол қилмаслик лозим. Овқатдан бир-икки соат кейин чой ичиш соғлиқ учун фойдалидир. Бундай тамойиллар аҳоли орасида кенг тарғиб этилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли саломатлик ва тиббий статистика институти, тегишли илмий-тадқиқот ва тиббиёт олий ўқув юртилари мутахассислари билан ҳамкорликда махсус буклетлар чоп этилиб, аҳоли орасида тарқатилмоқда.

— **Инсоннинг кундалик овқатланиш рақидонида мева-сабзавотларнинг улуши қанчали ташкил этиши керак?**

— Баъзи оилаларда тўғри овқатланиш тушунчасини юқори қалорияли таомларни тўғиб еиш, деб тушунилади. Бу зарарли одат қўллаб-қасалиқларга замин бўлади. Ҳолбуки, мева-сабзавот инсон организмни учун жуда фойдали. Овқатланиш рақидонида бунга аҳамият берадиганлар ўз саломатлиги ҳақида қайғурган бўлади.

Айниқса, болаларнинг овқатланиш тарзига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ота-оналар фарзандларига бу борада ибрат бўлиши керак. Овқат билан бирга помидор, бодиринг, қизил лавлаги, қўкатлар ва бошқа табиат неъматлари асосида тайёрланган салатлар, мева-сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Мактабга чарба муассасалари ва мактабларда ҳам овқатланиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш, тўғри овқатлантириш билан бирга бу борадаги миллий қадриятлар ва замонавий тиббиёт тамойилларини ёшлар онига сингдирish муҳим вазифадир.

Айтиш жоизки, жаннатноманд юртимизда тўғри овқатланиш учун барча шароит муҳайё. Она заминимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам юзлаб ҳил табиат ноз-неъматлари етиштирилади. Ҳатто киш фаслида ҳам бозорларимиздан сархил мева-сабзавотлар, қўкатлар узилмайди.

Ўзбек пазандчилиги таомларга бойлиги ва ҳилма-хиллиги билан ажраллиб туради. Сумалак, қўк сомса, қўк чучвара, ялғизли мошқурда, палов, қабоб, қарам ва қалампир дўлма, айрон, гўжа ош, сабзавотли димламалар, қовурилган балик, беҳили палов, қовок сомса, сархил меваалардан тайёрланган овқатлар дастурхонимизга фазл бағишлайди. Бизнинг вазифамиз улардан ёшимиз, касбимиз, йил фасллари, соғлигимиз ҳолатидан келиб чиқиб оқилона тановул қилишдир.

Мамлакатимизда соғлом овқатланиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жараёнида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори асосида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси бўйича бу йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Бу жараёнда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори сифат ва самардорликка эришиш, улар сифатини назорат қилиш тизимини тақомиллаштириш, халқимизни юртимизда етиштирилган экологик соф, тўйимли, сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ўс-тувор вазифа этиб белгиланган.

Тўғри овқатланиш ва у тўғрйли саломатликка эътибор бериш ҳар бир инсоннинг тиббий маданиятига ҳам боғлиқ. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш тарғиб этишни янада қўчайтириш лозим. Шу мақсадда диетолог мутахассислар тайёрлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, диетология йўналиши бўйича ўқув-услубий дастурлар ва қўланмаларни замон талабидан келиб чиқиб янгиллаш ва тақомиллаштириш юзасидан қўллаб-қимлатиш олиб боришмоқда.

Бу каби чора-тадбирлар инсон маффаатларига йўналтирилган ислохотларни янги босқичга кўтариш, инсон умрини узайтириш, соғлом ва баркамол авлодни қамолга етказиш каби эзгу ишларга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА
суҳбатлашди.



Отабек Мирзоёвнинг бош сурати

Кўргазма

РАҒБАТ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Беҳзод мемориал бог музейида расмол Нависа Гильманованинг шахсий кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддин, Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Ҳ.Аминов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий тасвирий санъатимизни изчил равишда топтириш борасида олиб борилаётган эзгу сарф-ҳаракатларда ижодкор-ўқитувчилар меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, "устоз-шогирд" аъёнларини изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти Нависа Гильманова Ўзбекистон Бадий академияси томонидан "Замонавий руҳда маҳорат билан яратилган натюрморт туркум асарлари учун" махсус дипломи билан тақдирланган. Шунингдек, у қатор халқаро кўргазмаларда иштирок этган.

Ижодкорнинг "Бешик", "Оқ йўл", "Кечки капалак", "Севги ибодати", "Ракс", "Дарё бўйида", "Оқ туялар", "Шарқий карвон" каби қатор ижод маҳсуллари хорижий давлатлар музейларидан ўрин олган.

Мусавир 2013 йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи", деб топилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўқитувчиларнинг шарафли ва машаққатли меҳнати эъзоз топди, — дейди Н.Гильманова. — Президентимиз томонидан биз педагоглар меҳнатини рағбатлантириш юзасидан кўрсатилаётган юксак эътибор янада самарали ижод қилиш, ўз ўстимида ишлашга ҳамда иқтидорли ёшларнинг салоҳиятини оширишга ундайди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири

Спорт янгилклари

Пойтахтимизда дзюдо бўйича имконияти чекланган полвонлар ўртасида навбатдаги паралимпия спартакиадаси ўтказилди.

КУЧЛИ
ПОЛВОНЛАР
АНИҚЛАНДИ

Мазкур мусобақа мамлакатимизнинг кўплаб туманларидан ташриф буюрган ёш полвонларнинг ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун қўлай имконият яратди. Хусусан, мазкур спорт тури мутахассислари иштирокчилар орасида халқаро турнирларда ҳам ижобий натижалар кўрсатиши мумкин бўлган ёш дзюдочилар борлигини таъкидлади.

Кизиқarli ўтган турнир натижаларига тўхталсак, унда Ислам Мамарўзиев, Абдуқодир Ўроқов, Жаҳонгир Чориев, Равшан Аҳмедов, Шамсиддин Норқобилов, Муҳаммадали Рўзиев, Жаҳонгир Сафаров ўз вази тоифаларида шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, қизлар ўртасида Мохинур Обидова, Муборак Мелиқулова, Севинч Салаева, Марям Боймуродова, Комила Иброҳимова, Турсунпошша Нурметова, Кумуш Курёзовага тенг келадиганлар топилмади.

Спартакиада якунида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланишди.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида саккизинчи бор ташкил этилган сув спорти турлари бўйича ўсмир-ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этган мамлакатимиз вакиллари жами 24 та медалга сазовор бўлишди.

Хусусан, қитъа чемпионатини муваффақиятли тарзда якунлаган спортчиларимиз Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига 9 та кумуш ва 15 та бронза медалини қўшиб қўйишди. Афсуски, сузувчиларимизга баҳсларда олтин медални қўлга киритиш учун озгина тажриба етишмай қолди.

Жумладан, Алексей Тарасенко, Артём Козлюк, Нурулло Фуломқодиров ва Музаффар Турсунхўжаевлардан иборат тўртлик 100 метр масофага ўтказилган эркин усулдаги эстафета баҳслари

финал босқичида кумуш, 200 метрга эркин усулда бўлиб ўтган мусобақада эса бронза медалига эга бўлдилар.

Яна учта бронза медалига эркин усулда сузиш бўйича терма жамоа етакчиси Алексей Тарасенко 50 метр, 100 метр ва 200 метр масофадаги баҳсларда сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, Алексей эстафетада ҳам барча иштирокчилар орасида тезкор ҳаракатлари билан ажралиб турди.

Пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси Англиянинг биринчи дивизиони вакили "Флитвуд таун" футбол клуби билан ўзаро истиқболли режа асосида ҳамкорлик ўрнатгани ҳақида хабар қилган эдик.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА
МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бунинг натижасида "Флитвуд таун" клуби раҳбарлари Тошкентда бўлиб, темирйўлчиларнинг икки вакилини ўз жамоаларига тажриба ошириш учун таклиф қилишган эди.

Ўз навбатида "Локомотив" клуби директори ўринбосари Тўла-

бек Акрамов Англиянинг Блекпул шаҳрига сафар уюштириб мазкур жамоа билан танишиб қайтди. Маълумки, "Флитвуд таун" жамоаси айнан шу шаҳар шарафини ҳимоя қилади. Тўлабек Акрамовнинг маълум қилишича, олдинда яна улкан режаларни амалга

ошириш мақсад қилинган бўлиб, жумладан инглиз клуби таркибидаги истеъдодли ёш футболчилардан бири "Локомотив"га олиб келиниши мумкин.

Агар ўзаро ҳамкорлик шу йўсинда давом этаверса, яқин орада мамлакатимизнинг ўтган йилги кубоги соҳиби таркибида англиялик истеъдодли чарм тўп усталарини кўрсак ажаб эмас.

Ботир ХҲЖАЕВ

Ёнғин нафақат уй-жойни бир зумда қулга айлантиради, балки кўплаб инсонлар ҳаётига таҳдид солади. Бир умрга мажруҳга айлантириши ҳам ачинарли ҳолат. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида биз ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари маҳалла фаоллари ва аҳолини огоҳлик ҳамда ҳушёрликка қадамиз. Зеро, ёнғин чиққан ҳолатда мудҳиш вазиятни бартараф этишдан кўра унинг олдини олган осон.

Жаҳонгир АБДУКАРИМОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант

Барҳаёт аъёнлари

МИЛЛИЙ РУҲ
ЖОЗИБАСИ

Пойтахтимиздаги Абулқосим мадрасасида "Хунарманд" уюшмасининг 30 нафардан ортиқ устаси ўз кўргазмасини ташкил этган. Усталар миллий хунармандлик аъёнларини давом эттирмоқда.

Усталар ясаётган буюмларда миллий тафаккур маҳсули бўлган ўзбек амалий безак санъати ўз инъикосини топмоқда. Шарқона безакдорлик, тасвирларнинг шартлилиги ва ўзига хос ранглар мутаносилигидаги тўлқинсимон, кесма чизиқли, халқасимон нақшлар ҳамда жонивору ўсимликлар тасвири халқимизнинг ҳаёт, борлиқ ҳақидаги қарашлари ифодасидир.

Ушбу устaxonаларда ижодкорларнинг миниатюра ва рассомлик йўналишидаги сара асарлари жамланган. Идиш, қоғоз, қут, мато, чарм, шойи ҳамда ёғоч буюмларда акс эттирилаётган шарқ миниатюрасининг нодир намуналарини кўриб, ҳайратга тушасан киши.

...Моҳир миниатюрочи расмол Хайриддин Мухиддинов лаганга "Кўза кўтарган аёл" тасвирини моҳирлик билан туширган. Ўзбек аёли образи тасвирланган ушбу асарда шарқона характер, ички гўзаллик мужассам.

Халқ амалий безак санъатининг образ ечимини, шакли ва ижро усули юртимизда қадимдан юксак хунармандлик аъёнларига эга ўзига хос мактаблар шаклланидан дарак беради. Бугунги кунда мазкур мактаблар вакиллари миниатюра санъатининг тақомиллашиб бораётган услубларидан фойдаланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Халқ амалий санъати ва хунармандчиликнинг нодир намуналаридан халқимиз, айниқса, ёшларни кенг баҳраманд этиш, уста-хунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мунтазам ўтказилаётган кўргазмалар, фестиваллар, ижодий танловлар ўғил-қизларнинг халқ амалий санъатига, миллий хунармандлик буюмларига қизиқишини ошириш, қобилият ва салоҳиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётди.

Миниатюра қадимий миллий аъёнларимиздан, — дейди ЎЗА мухбирига уста-хунарманд Х.Мухиддинов. — Ҳар бир рассом асарига ўз қарашларини сингдиради. Чунки ижодкор гоёни, асосини ўз халқининг умумий қарашларидан олади. Президентимиз раҳнамолигида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатга кўрсатилаётган юксак эътибор миллатимиз номини бутун жаҳонга ёйишга хизмат қилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Бекобод тумани СИБ томонидан 23.06.2015 йилдаги № 5880/81/82/83/84/85-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Бобур ф/у Тақачи қишлоғида жойлашган умумий майдони 264,87 кв.м. бўлган "Клуб биноси". Бошланғич баҳоси: 58 870 000 сўм:

Аукцион савдоси 2015 йил 19 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кучмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ТИФ МБ Учтепа филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9049 3605 0001, МФО: 00918, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманларо судининг 22.12.2014 йилдаги 1-4317/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган Олмазор тумани Жиноят судининг биносида сақланаётган "Нексия СПГ" русумли, д/р 01R 815 НА бўлган, ишлаб чиқарилган йили номълум бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 24 504 106 сўм 4 тийин.

Аукцион савдоси 2015 йил 2 ноябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача таълиқ). Аризаларни қабул қилишнинг охиригиде: 2015 йил 30 октябрь куни соат 18:00. Автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганини ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52, www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ
УЧУН ЕР ОЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаролар ўзларининг шахсий мулкда бўлган кўп қаватли уйларидаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели тумани, Қўйлиқ-5 даҳаси ва Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳасидан (мўлжал: "Ёшлик" спорт мактаби ҳудудидан ва 5-даҳадаги иссиқхона ҳудудидан) ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота туманидан (мўлжал: Ҳасанбой-5 даҳаси қаршидаги ҳудуддан, Сергели туманидаги машина бозори рўпарасидан) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 239-35-06
(+99894) 688-88-77
(+99890) 357-95-96



12, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 октябрь ва 16

Тошкент шаҳрида 15 октябрь куни ҳаво ўзгаришлари, қисқа муддатдаги ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шомол эсаяди. Ҳарорат кечаси — 10-15 даражага паст бўлади.

"101"

ОЛДИНИ ОЛИШ ОСОН

Тобора гўзаллашиб бораётган шахримизда қад кўтарётган янгидан-янги иншоотларнинг кўпайиши ёнғин хавфсизлиги ходимларининг масъулиятини янада оширади.

Халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи оширилганига қарамай, Миробод тумани бўйича жорий йил-

нинг 9 ойи мобайнида жами 61 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинларнинг келиб чиқишига фуқароларнинг носоз ёритиш ва иситиш воситалари ҳамда қуриган ўт ва ҳазонларни ёқиши сабаб бўлмоқда.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1055

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
Факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6325 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почта"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 13.50